# Муроқабанинг фойдалари | Тазкия дарслари (299-дарс)

Image not found or type unknown

19:00 / 22.09.2024 2106

1. Муроқаба жаннатни ютиб олиш ва дўзахдан нажот топишдир.

2. Муроқаба қиёмат кунидаги катта қўрқинчдан омонликдир.

3. Муроқаба иймоннинг камоли ва Исломнинг жамолига далилдир.

4. Муроқабанинг самараси Аллоҳ таолонинг муҳаббатидир.

5. Муроқаба яхши оқибатнинг белгисидир.

6. Муроқаба банданинг солиҳлиги аломатидир.

Бир банда ўзининг ҳолини билмоқчи бўлса, камолга етгани ёки етмаганини синамоқчи бўлса, ўз қалбидан мазкур икки мақомни – муроқаба ва

мушоҳадани изласин. Агар қалбида муроқаба ёки мушоҳадани топса, ўзининг тўғри кетаётганини билсин. Мазкур икки нарсадан бирини топмаса, топишга ҳаракат қилсин.

Муроқаба мақоми, яъни Аллоҳ таоло уни кўриб ва эшитиб турганини ҳис қилиш қалб тирик эканининг аломатидир.

Агар қалб хаста бўлса, бу мақомга эришиб бўлмайди.

Зикр ва фикр кўп бўлмаса ҳам, мазкур мақомга эришиб бўлмайди.

Тоат ва ибодатда муроқаба ихлос билан юзага чиқади.

Маъсиятда муроқаба тавба, надомат ва гуноҳдан ажралиб чиқиш билан юзага чиқади.

Мубоҳ нарсаларда муроқаба одобга риоя қилиш билан юзага чиқади.

Неъматлардаги муроқаба шукр билан юзага чиқади.

Мусибатлардаги муроқаба сабр билан юзага чиқади.

***«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.